

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВ ҲУСАН ЎЗБЕКХОНОВИЧ

КЛАСТЕР ШАКЛИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КОРХОНАЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Боғдорчилик хўжаликлари мисолида)

08.00.06. -Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) in
economic sciences**

Акбаров Хусан Ўзбекхонович

Кластер шаклида ташкил этилган корхоналарнинг иқтисодий
фаолиятини моделлаштириш (боғдорчилик хўжаликлари мисолида)..... 3

Акбаров Хусан Узбекхонович

Моделирование экономической деятельности предприятий
организованных в форме кластеров (на примере садоводческих
хозяйств)..... 27

Akbarov Husan Uzbekkhonovich

Modeling the economic activities of enterprises organized in the form of
clusters (on the example of horticultural farms)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАРОВ ҲУСАН ЎЗБЕКХОНОВИЧ

КЛАСТЕР ШАКЛИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КОРХОНАЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Боғдорчилик хўжаликлари мисолида)

08.00.06. -Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt1199 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салимов Бахтиёр Талжиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Илём Султанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти


Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «11» 04 кунини соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (0371) 239-01-49, факс: (0371) 239-41-23; e-mail: tdiu@tsue.uz)


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1120 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (0371) 239-01-49, факс: (0371) 239-41-23).

Диссертация автореферати 2022 йил «30» 03 да тарқатилди.
(2022 йил «30» 03 даги 10 рақамли реестр баённомаси).




Г.К. Абдурахманова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Д. Хажиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент


Н.М. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инновацион ривожланиш ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши шароитида иқтисодиёт, жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаларида қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «2000-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшилган қиймат 68%га ўсиб, 3,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этган¹. Бундан ташқари бугунги кунда «дунё аҳолисининг тўққиздан бир қисми сурункали равишда тўйиб овқатланиш имконига эга эмас². Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг юқори технологияларга асосланган ҳолда жадал ривожланиб бориши, иккинчи томондан эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондириш ҳамда миллий ва минтақавий имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда аҳоли сонининг ўсиши, глобал иқлим ўзгаришлари, экин майдонларининг қисқариши шароитида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда кластер шаклида ташкил этилган мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида кластер шаклида ташкил этилган корхоналар фаолиятини тизимлилик асосида самарали ривожлантириш, минтақавий омиллар негизида қўшилган қиймат занжирини такомиллаштириш, экологик ва инновацион омилларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқаришнинг самарали шакларини жорий этиш (такомиллаштириш) масалаларига устувор даражада қаралмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги хусусан, мева-сабзавотчилик, узумчилик тармоқларини халқаро стандартлар мос равишда ривожлантириш, вертикал интеграция ва фаол инвестиция жараёнларини ривожлантириш, интенсиф усуллардан кенг фойдаланиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва логистик жараёнларни оптимал ташкил этиш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. «Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш орқали ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш саноатини хомашё билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан

¹ WORLD FOOD AND AGRICULTURE STATISTICAL YEARBOOK 2020. P 1.

² TRANSFORMING THE WORLD THROUGH FOOD AND AGRICULTURE. FAO and the 2030 Agenda for Sustainable Development. <http://www.fao.org/3/ca5299en/ca5299en.pdf> (6 page)

саналади»³. Бу борада юқори кўшимча қийматга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турини кўпайтириш, соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали шакллари, жумладан кластер шакллари кўллаш, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларни моделлаштириш юзасидан илмий изланишлар кўламини кенгайтириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳара-катлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишига доир устувор йўналишларга мослиги. Мазкур илмий тадқиқот иши республикада фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ холда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнлари моделлаштириш ва самарадорлигини оширишни назарий-услубий масалалари кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан Roger Norton, Peter Hazell, Harry M. Kaiser, Kent D. Messer, Paul Schweinzer, Norman Schofield, Belal Ehsan Baaquie ва бошқалар илмий изланишларида мазкур масалалар тадқиқ қилинган⁴.

Мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш бозорларининг ривожлантириш муаммолари бўйича мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари Н.И.Гапоненко, С.С.Апаев, К.Г.Ясулов, З.Н.Буржалиева, И.Н.Куликовлар томонидан ўрганилган⁵. Ўзбекистон Республикасида кластер сиёсати билан дастлаб

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Roger Norton, Peter Hazell. Mathematical Programming for Economic Analysis in Agriculture Publisher: Macmillan Publishing Company ISBN: 0-02-947930-4. Vol. 43, No. 4 (Dec., 1987), p. 1032 (1 page); HARRY M. KAISER and KENT D. MESSER. Mathematical programming for agricultural, environmental, and resource economics. Printed in the United States of America. 2011; Paul Schweinzer. Mathematical Methods for Economic Analysis. School of Economics, Statistics and Mathematics Birkbeck College, University of London. 2002; Norman Schofield. Mathematical Methods in Economics. ISBN 9780815350194 Published June 25, 2019 by Routledge 298 Pages; Belal Ehsan Baaquie. Mathematical Methods and Quantum Mathematics for Economics and Finance. The Editor(s) (if applicable) and The Author(s), under exclusive license to Springer Nature Singapore Pte Ltd. 2020.

⁵ Гапоненко Н.И. Формирование и развитие предпринимательства в специализированных садоводческих предприятиях. Диссертация канд. экон. наук. Воронеж. 2001г.; Апаев С.С. Формирование и развитие регионального плодородного подкомплекса. Диссертация канд. экон. наук.- Владикавказ.2009г.;

А.Расулев, Р.Алимов, Д.Курбоновалар томонидан тадқиқ этилган⁶. Иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш ҳамда статистик кузатиш бўйича маҳаллий олимлардан С.С.Фуломов, Т.Ш.Шодиев, Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Б.Беркинов, Н.М.Махмудов, А.М.Абдуллаев, Б.Т.Салимов, Т.Х. Хакимов, Р.Т.Далимов, Х.С.Мухитдинов, И.К.Хужаев, Б.О.Раҳмонқулова, И.К.Жумаев, Х.Х.Каримова, С.О.Хомидов, Х.Н.Собиров ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁷. Хусусан аграр жараёнларни моделлаштириш бўйича мамлакатимиз олимларидан У.С.Мухитдинова, О.Г.Дилмуродов, Д.С.Ашурова, Ҳ.С.Хушвақтова, Б.Н.Эргашев, Ш.Х.Мўминов ва Д.Ж.Жалоловалар томонидан бажарилган илмий-тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар соҳада маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳамда тармоқ самарадорлигини оширишда муҳим назарий ва услубий қўлланма сифатида хизмат қилаяпти⁸.

Ясулов К.Г. Стратегическое управление развитием садоводческих организаций : диссертация канд. экон. наук. - Москва, 2010.- 212с.; Буржалиева З.Н. Организационно-экономические основы инновационного развития садоводства (на примере Республики Дагестан): дис. канд. экон. наук.: - Дагестан. 2017г.; Куликов И.Н. Организационно-экономические основы модернизации отрасли садоводства. канд. экон. наук.: - Москва.2013г.142 ст.;

⁶ А.Расулев, Р.Алимов, Д.Курбанова. Развитие хлопкового комплекса-важное направление кластерной экономической политики в Узбекистане. Общество и экономика. №7-8, 338-350 ст.2005 г.

⁷ С.С.Фуломов Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш ва барқарор ривожланиш омиллари. Фан ва технология.2016.; Шодиев Т.Ш. Эконометрика / Ўқув қўл. – Т.:Адабиёт жамғармаси, 2005.- 126 б; Alimov R.H. Ekonometrik modellashirishda Stata dasturidan foydalanish bo'yicha amaliy qo'llanma. ТДИУ-2019; Ходиев Б.Ю. Шодиев Т.Ш., Беркинов Б.Б. Эконометрика. Iqtisodiyot:-2018. Н.М.Махмудов, А.М.Абдуллаев, Моделирование и прогнозирование технико-экономических показателей: Учеб. пособие. Ташкент: ТИНХ, 1988.-79с.; Б.Т.Салимов. Оптимизация процесса формирования территориально-производственных комплексов (На примере Навои-Кызылкумского ТПК УзССР) Автореф. дис. на соиск. учен. степ. к.э. н.; Т.Х.Хакимов. Иқтисодий ўсишнинг математик моделлари. ТДИУ-2010, Р.Т.Далимов. Моделирование международной экономической интеграции и регионального экономического развития автореферат диссертации на соискание ученой степени д.э.н. специальность 08.00.06. 2008г; Х.С.Мухитдинов Аҳоли турмуш даражасини моделлаштириш. Монография. 2005й.; И.К.Хужаев. Фермер хўжаликлари ривожланиш тенденциясини эконометрик башоратлаш. и.ф.доктори диссертацияси. ТДИУ. Т.:2012й.; Б.О.Раҳмонқулова. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини эконометрик тадқиқоти. и.ф.н.диссертацияси. ТИМИ. Т.:2006й. И.К.Жумаев. Фермер хўжаликлари ривожланиши тенденциялари ва истиқболларини башоратлаш. и.ф.д. диссертацияси. ТДИУ: 2012; Х.Х.Каримова. Эконометрический анализ развития производства фермерских хозяйства (на примере Чиназского тумана, Ташкентского областа) соис. канд. наук. ТИИМ. Т. 2011г; С.О.Хомидов. Саноатнинг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида) и.ф.ф.д. диссертацияси. ТДИУ. Т.:2018 й. Х.Н.Собиров. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. И.ф.ф.д. диссертацияси. ТДИУ. Т.:2021 й.

⁸ Мухитдинова У.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева- сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишлари. Иқт.фан. док. дис.-Т., 2001.; Дилмуродов О.Г. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мева -сабзавотчилик мажмуида маҳсулот сотишнинг логистик занжирини такомиллаштириш. Иқт.фан. ном. дис.-Т., 2010.; Ашурова Д.С. Мева ва сабзавот маҳсулотларини бозор рақобати шароитида тайёрлаш ва тақсимлашнинг эконометрик таҳлили. Иқт.фан. ном. дис.-Т., 2001.; Хушвақтова Ҳ.С. Бозор шароитида мева-сабзавот кичик мажмуасида агросанот интеграциясини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий муаммолари. иқт.фан. ном. дис.-Т., 2005.; Эргашев Б.Н.Оптимизация структуры производства плодоовощной продукции (На примере пригородных хозяйств области). Диссертация канд. экон. наук.-Т.,1994.; Мўминов Ш.Х.Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон аграр сектор экспорт салоҳиятини ривожлантириш (мева- сабзавотчилик куйи мажмуаси маҳсулотлари мисолида). Иқт.фан. ном. дис.-Т., 2005.; Жалолова Д.Ж.Истеъмол товарлари бозориди маркетинг тадқиқотлари (Ўзбекистон мева- сабзавот консервалари саноати мисолида). Иқт.фан. ном. дис.-Т., 2008; Хожаев.А.С. Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили (Фаргона вилояти мисолида). Автореферат. Тошкент–2019; Атаев.Ж.Э. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Урганч -2021.

Лекин, ушбу илмий тадқиқот ишларида боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни аниқловчи тармоқнинг истиқболдаги самарали ривожланишини таъминловчи бизнес режаларини тузиш, бир томондан маҳсулот ишлаб чиқариш, иккинчи томондан маҳсулотни қайта ишлаш ва тайёрланган маҳсулотни харидорларга етказишни оптимал кўрсаткичларини аниқлаш ва бошқаришнинг айрим услубий масалалари иқтисодий математик усулларни қўллаган ҳолда ҳозиргача етарлича ўрганилмаганлиги бу борада эконометрик ва иқтисодий математик усуллар асосида чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этиши мазкур тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа ҳамда Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлигидаги № UZB-Ind-2021-82 «Advances in internet of thing(IOT) based crop health and soil monitoring with automatic irrigation system» мавзусидаги халқаро амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш ва шунга кўра боғдорчилик кластерлари иқтисодий фаолиятини моделлаштириш услубиётини такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

боғдорчиликда инновацион кластерларини шакллантириш ва вертикал интеграцион жараёнларни тадқиқ қилишнинг назарий асосларини ёритиш;

боғдорчиликда вертикал интеграция жараёнлар ва тузилмалар фаолияти методологиясини эконометрик моделлар асосида такомиллаштириш;

Самарқанд вилоятида хўжалик субъектларини ихтисослаштириш, боғдорчилик майдонларини жойлаштирилиши ва маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш;

боғдорчиликда агротехник жараёнларни, жумладан, «Ақлли суғориш тизими», мева дарахтлари саломатлиги ва тупроқ ҳолатини дастурлаш моделларини яратиш;

боғдорчилик экин майдонлари структураси ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оптимал таркибини аниқлаш;

боғдорчилик фермер хўжаликларида кластерларни тузиш ва логистик жараёнларини оптималлаштириш методикасини такомиллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилояти туманларидаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ва «Оқдарё Муштарий» МЧЖ олинган.

Тадқиқот предметини боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва харидорга етказиш бўйича интеграцион, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ташкилий механизмлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий натижаларни олиш статистик кузатув, дала тадқиқотлари, сегментлаш усули, анкета сўровлари, экспертлар усули ва ахборот технологиялар, шунингдек, абстракт-мантикий, эконометрик, иқтисодий математик ва иқтисодий статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолиятини кластерлар асосида ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқариш, ялпи даромад ва фойдани максималлаштириш асосида Самарқанд вилояти туманларида мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогноз сценарийлари чизикли дастурлашга кўра асосланган;

боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солувчи ва якуний натижаларга йўналтирилган маҳсулотлардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий механизми боғдорчилик кластери фаолиятини ишлаб чиқариш функцияси ва ишлаб чиқариш имконияти чегараси доирасида ташкил қилиш асосида такомиллаштирилган;

«Ақлли қишлоқ хўжалиги» тизими доирасида хўжалик субъектлари ихтисослашуви, боғдорчилик майдонлари жойлашуви ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик даражасини ошириш негизида «ақлли суғориш тизими» асосланиб, шунга кўра мева дарахтлари саломатлиги ва тупроқ ҳолатини дастурлаш моделлари ишлаб чиқилган;

боғдорчилик кластерида маҳсулот ишлаб чиқаришгача ва маҳсулот ишлаб чиқаришдан кейинги жараёнларда энг кўп қўшилган қиймат янги маҳсулот яратиш ва логистика каби соҳаларда яратилиши, шунга асосан мазкур йўналишдаги чора-тадбирларга иқтисодий жиҳатдан алоҳида эътибор қаратишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

боғдорчиликда вертикал интеграцион жараёнлар ва тузилмалар фаолиятини таҳлил этиш методологияси инглизча U-шаклидаги қўшилган қиймат занжири сифатида таклиф этилган;

чизикли дастурлаш математик моделлари асосида боғдорчилик хўжаликларини муқобил жойлаштириш, уларнинг кўламини оптималлаштириш ва туманлар кесимида хўжаликларнинг кредит потенциали аниқлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

маълумотларни кластерлаш усули ёрдамида таклиф этилган услуб ва ишланмалардан жорий даврда ва истиқболда боғдорчилик хўжаликларида маҳсулот ҳажми, нархи, ўртача ва маржинал харажатлар ҳақида қарорлар қабул қилиш, инвестиция лойиҳаларини хўжаликларнинг кредит маблағлари эвазига молиялаштириш, ишлаб чиқариш кўламини асослаш сингари соҳаларда қарорлар қабул қилишда қўлланиш асослаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация натижаларининг ишончилиги маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси даврий ҳисоботларидан олинганлиги, тадқиқот ишига доир ҳорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий-назарий, методологик тадқиқотларига асосланганлиги, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани ҳамда тегишли хулосаларни ваколатли вазирлик, тузилма ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган ёндашув, таклиф ва тавсиялар, моделлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, жумладан боғдорчилик маҳсулотлари самарадорликни ошириш, фермер хўжаликлари рақобатбардошлик даражасини оширишнинг услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва харидорга етказиш жараёнини ривожлантириш бўйича давлат, минтақавий дастурлани ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, соҳага оид илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда олий ўқув юртлари «Эконометрика» фанни ва бошқа ўқув адабиётларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Боғдорчилик кластери шаклида ташкил этилган хўжалик субъектлари самарадорлигини ошириш ва иқтисодий фаолиятини моделлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

боғдорчилик фермер хўжаликлари фаолиятини кластер асосида ташкил қилиш ҳамда ишлаб чиқариш, ялпи даромад ва фойдани максималлаштириш негизида мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнозлари Самарқанд вилояти хўжаликларига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/034-568-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар боғдорчилик фермер хўжаликларида кластерларни тузиш ва логистик жараёнларни тадқиқ этиш методикаси кўп босқичли оптимал дастурлаш усулида такомиллаштирилиб, мақсадли ишлаб чиқариш параметрларининг аниқлик даражасининг ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига хизмат қилган;

боғдорчилик кластери фаолиятини ишлаб чиқариш функцияси ва ишлаб чиқариш имконияти чегараси доирасида ташкил қилиш бўйича таклифлардан Самарқанд вилоятида мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/034-568-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солиш, прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва маҳсулотлардан оқилона фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланилган;

хўжалик субъектлари ихтисослашуви, боғдорчилик майдонлари жойлашуви ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги негизида «ақлли суғориш тизими» бўйича таклифлар ва моделлар Самарқанд вилоятидаги боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари, жумладан «Оқдарё Муштарий» МЧЖ фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/034-568-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида хўжалик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишга ва «булутли технологиялар» асосида маълумотлар базасини шакллантиришнинг методологиясини такомиллаштиришга хизмат қилган;

боғдорчилик кластерида қўшилган қиймат ишлаб чиқариш ва фойдани максималлаштириш асосида мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлардан Самарқанд вилояти туманларида мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 05/034-568-сон маълумотномаси) Бунинг натижасида Самарқанд вилоятида хўжаликларни ихтисослаштириш ва боғдорчилик майдонларини оптимал жойлаштириш, жорий ресурслардан самарали фойдаланишда 2-4 фоиз қўшимча мева маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича жами 20 та, жумладан, 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 20 та иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 4 та мақола, 3 та мақола халқаро журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, тўқизта параграф, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар қисмларидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кластер шаклида ташкил этилган корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини моделлаштиришни назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини эконометрик таҳлил этиш усули ҳамда кластер шаклида ташкил этилган корхоналарда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотишни моделлаштиришнинг назарий асослари кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қишлоқ хўжалиги хусусан, мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини замон талаби ва халқаро стандартлар мос равишда ривожлантиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Республикада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3 988,5 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11 028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4 760,4 минг гектарни ташкил қилади.

Республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охирги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқарди.

Қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик сув сарфи 45 696 млн метр куб ёки иқтисодиёт тармоқларида истеъмол қилинган сув ресурсларининг 90 фоизини ташкил этиб, юқориликча қолмоқда⁹.


Иқлим фермерларга йил давомида турли хил пишиб етиш даври билан (эрта, ўрта ва кеч) экинларни етиштиришга имкон беради. Бу ўзбек фермерларига юқори сифатли органик мевалар, ёнғоқ ва сабзавотларни юқори кўшимча маҳсулотлар учун ички ва экспорт бозорларига етказиб беришда рақобатбардош устунликни беради.

Мева-сабзавотчилик соҳаси бутун дунё бўйлаб, айниқса, аҳолиси шиддан билан ўсиб бораётган мамлакат аҳолисини янги ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим рол ўйнайди. У нафақат фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқарувчилар, балки истеъмолчилар билан боғлайдиган қиймат занжири иштирокчилари учун ҳам даромад келтиради.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш билан бирга уларни истеъмолчиларга етказиш жараёни акс эттирилган (1-расм).

Самарқанд вилоятида 2020 йилда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми, яъни 38,3 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Етиштирилган маҳсулотлар саралаш ва қадоклаш, савдо, қайта ишлаш, экспортиёр корхоналарга ҳамда тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиб берилади.

⁹ «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони



1-расм. Боғдорчиликда қиймат занжири¹⁰

Сўнгги 10 йил ичида республикада олма ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 бараварга ошди ва ҳозирги кунда 1124 минг тоннани ташкил этади. Секторнинг ўсиши асосан озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, интенсив (митти) боғдорчиликни жадал ривожлантириш билан боғлиқ. Дунёнинг олма ишлаб чиқаришида Ўзбекистоннинг улуши қарийб 1,3 фоизни ташкил этади, бу мамлакатни дунёдаги 50 та энг йирик ишлаб чиқарувчилар рўйхатида 14-ўринни эгаллади¹¹. «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон қарорига мувофиқ 2019-2020 йилларда Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг 8 та туманида жами 41 та мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилди. «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон

¹⁰ Расм адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти. <http://www.fao.org/faostat/ru/#data>


қарорига сасосан мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кластерлар ташки этилган бўлиб 2019 йилда республикамизда 56 та мева сабзавотчилик кластери фаолият кўрсатди. Яна 86 та шундай кластерларни ташкил этиш учун лойиҳалар ва таклифлар шакллантирилиб, босқичма-босқич амалиётга жорий этилди¹². 2020 йилга келиб фаолият кўрсатаётган мева-сабзавот кластерлари сони 147 та ташкил этади¹³.

Диссертация ишида боғдорчилик кластерида инновацион маҳсулот яратишдаги қўшилган қиймат занжири такомиллаштирилди (2-расм).

Бундан кўринадики боғдорчилик кластерида инновацион маҳсулот яратишдаги қўшилган қиймат маҳсулот ишлаб чиқаришгача ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришдан кейинги жараёнларда юқори қийматга эришади. Демак энг кўп қўшилган қиймат янги ғоя, ИТТКИ, янги маҳсулот яратиш, маркетинг, логистика, сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида яратилади.

Ташкилотларнинг кластерлашиши унинг мақомини кўтаради, молиявий ташкилотларнинг эътиборини жалб қилиб ташкилотнинг халқаро обрўси ва брендининг машҳур бўлишига ёрдам бериш билан бир қаторда ҳудудга қўшимча ресурслар кириб келишини таъминлайди.

Ҳудудда кластерларнинг ривожланиши кўплаб ижтимоий иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш билан биргаликда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиради.



2-расм. Боғдорчилик кластерида инновацион маҳсулот яратишдаги қўшилган қиймат занжири¹⁴

¹² Урдушев Х., Эшанкулов С. Мева- сабзавотчилик кластерларни шакллантириш босқичлари ва ривожланиш истик-боллари. «Илм-фан ва инновацион ривожланиш» журнали. № 4., 2020. – Б. 89- 101. ISSN 2181 -9637

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари. (URL:https://t.me/statistika_rasmiy).

¹⁴ Расм адабиётлар таҳлиллари асосида муаллиф томонидан тузилган

Боғдорчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини таҳлил қилиш асосида ва аниқланган муаммоларга асосланиб маҳсулотларнинг қўшимча қийматини ошириш учун бутун занжирни модернизация қилиш зарур, жумладан:

маркетинг каналлари ва маҳсулотларнинг якуний манзилени кенгайтириш;

ерларни қайта тиклаш ва сувдан фойдаланишни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, ишлаб чиқариш технологияларини ички такомиллаштиришни қўллаб-қувватлаш, билим ва тажрибани тарқатишнинг инновацион усулларини излаш, экин майдонларини оптималлаштириш ва боғдорчиликни ривожлантириш бўйича муваффақиятли дастурни кенгайтириш орқали фермер хўжаликларининг маҳсулдорлигини ошириш;

озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги стандартларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва Ўзбекистон мева-сабзавот ишлаб чиқарувчилари учун бренд яратиш орқали юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар учун экспорт бозорларини қўллаб-қувватлаш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш қиймат занжирларини такомиллаштириш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ёрдам беради.

Диссертациянинг **«Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятини статистик таҳлил этиш ва баҳолаш»** деб номланган иккинчи бобида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳолатининг иқтисодий-статистик таҳлили, боғдорчиликда экин майдонлари структураси ва маҳсулот ишлаб чиқариш, боғдорчилик фермер хўжаликларида кластерларни тузиш ва логистик жараёнларга таъсир этувчи омилларнинг статистик таҳлил этилган.

Самарқанд вилояти республикамизнинг Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари каби, мева ва резавор маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Республикамизда етиштирилган мева ва резаворларнинг 345,5 минг тоннаси ёки 12,1% вилоят ҳиссасига тўғри келади (2020 й.).

Боғдорчиликни ривожлантиришда боғларни шакллантириш учта технологияни қўллашга қаратилган «технологик тўлқин»га асосланади:


Узун бўйли навалардаги кенг боғлар;

Интенсив технологиялар ёрдамида ўрта ва ярим пакана боғлар;

Пакана дарахт наваларидаги интенсив боғлар.

Интенсив технологиялар қишлоқ хўжалигида ўсимликларни етиштириш жараёнини доимий равишда бошқариш, минерал ўғитларнинг мақбул қўлланилишини ва экологик тоза зараркундалардан ҳимоя қилишни ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашнинг юқори даражасини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган ҳосилнинг юқори сифатини олиш учун мўлжалланган. Улар захираларнинг интенсив навларидан

фойдаланишга, уларнинг биологик потенциални тўлиқ амалга оширишни таъминлайдиган шароитларни яратишга асосланган.



3-расм. Самарқанд вилоятида мевали боғлар майдонларини ўзгариш тенденцияси, га¹⁵

Самарқанд вилоятида сўнги йилларда ярқисиз ва иқтисодий самарасиз боғларни бузиш ва унинг ўрнига интенсив боғлар барпо этиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди, жумладан биргина 2018-2020 йиллар оралиғида вилоятнинг 4025 гектар ярқисиз боғлар бузилиб унинг ўрнига япги боғ барпо этилди. Бугунги кунга келиб вилоятда мавжуд 23241 гектар мева боғларнинг 62,9 фоизи интенсив боғлар ташкил этади (3-расм).

Ақлли суғориш тизими қишлоқ хўжалиги ҳудудларида чучук сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ёрдам беради, сув ресурсларидан мақбул фойдаланишда автоматлаштирилган технологиялар унинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Замонавий томчилатиб суғориш тизими анъанавий усуллар билан таққослаганда сезиларли даражада сув сарфини камайтиради.

Таклиф этилаётган суғориш тизими 4-расмдан кўриниб турибдики микроконтроллер, мобил телефонлар, GSM модули, сенсорлар тўплами ва сув насосини бошқариш блокидан иборат. Сенсорлар тўплами ҳароратни ўлчаш сенсори, намликни ўлчаш сенсори, ёруғлик сенсори ва ёмғир сенсори билан иборат бўлиб, у дала шароитларини кузатиш учун ишлатилади, масалан, ҳавонинг ҳарорати, тупроқ намлиги, қуёш ёруғлиги ва ёғингарчилик каби маълумотлар йиғилади. Смартфонга ўрнатилган камера орқали олинган тасвирдан тупроқ намлигини аниқлаш учун суғориш дастури ишлаб чиқилган ва камеранинг бир томонида Шаффоф Анти-Реактив Шиша (TARG) муҳити бўлган тўртбурчак шаклидаги қурилма тупроққа ўрнатилади ва бу қурилмадан смартфондаги камера орқали тасвирга олинади. Тасвирга олинган маълумотлар орқали смартфонга ўрнатилган дастур тупроқ ҳолатини

¹⁵Расм статистик йиғма маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

таҳлил қилади. Таклиф қилинаётган суғориш тизимидаги мобил алоқа (GSM) модули микроконтроллер ва смартфон ўртасида хабарларни юбориш ва қабул қилиш учун ишлатилади. Турли хил сенсорлардан олинган маълумотлар ва смартфонга ўрнатилган дастур орқали таҳлил қилинган маълумотларни ARM микроконтроллер қабул қилади ва шу маълумотларга асосланиб сув насосини қўшиш ёки ўчириш орқали суғориш тизимини бошқаради. ARM микроконтроллер (GSM) модули орқали фермерга суғориш ҳолати тўғрисида маълумотларни жўнатади ва фермер бутун суғориш ҳолатидан хабардор бўлиб туради.



4-расм. Автоматлаштирилган суғориш тизими¹⁶


Диссертациянинг «Боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва харидорга етказишда қўшилган қиймат занжирини оптималлаштириш» деб номланган учинчи бобда боғдорчилик кластерлари фаолиятини математик моделлаштиришнинг ахборот базаси ва ўзгарувчиларни идентификациялаш, кластер шаклида ташкил этилган корхоналарда боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотишнинг иқтисодий математик моделлари ва иқтисодий математик моделларни компьютерда ечиш ва таҳлил қилиш натижалари ҳамда боғдорчиликни ривожлантириш сценарийси таҳлил этилган.

Республикада мева ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, боғлар ҳосилдорлигини ошириб бориш, харидоргир, рақобатли ва сифатли маҳсулотлар етиштириш тақазо этади.

Самарқанд вилояти кейинги йилларда етиштирилган асосий деҳқончилик маҳсулотлари 2020 йил 2010 йилга нисбатан дон ва дуккакли дон маҳсулотлари 1,0%га ошиб 813,1 минг тоннани ташкил этган бўлса, картошка ишлаб чиқариш 68,5% (626,3 минг тонна), сабзавотлар 55,9%

¹⁶ Расм адабиётлар таҳлиллари асосида муаллиф томонидан тузилган

(1636,3 минг тонна), мева ва резаворлар 49,1% (345,5 минг тонна) ҳамда узум 54,2% (555,0 минг тонна) ошган (5-расм).



5-расм. Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (барча тоифадаги хўжаликлар бўйича, минг тонна)¹⁷

Иқтисодий ривожлантиришда энг асосий хусусиятлардан бири у ёки бу соҳанинг омилли кўрсаткичларини натижавий кўрсаткичларига таъсири аниқлаш муҳим ҳисобланади. Маълумки, кўп омилли эконометрик моделларни тузишда натижавий омилга бир қатор омиллар таъсир этиши вақтли қаторлар кўринишидаги акс этирилади. Кўп омилли эконометрик моделларда моделга кирувчи барча объектларни акс эттириш мумкин эмас. Аммо, бундай ҳолларда панель маълумотларидан фойдаланилади.

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани бўйича 170 та боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжалиklarининг 2017-2019 йиллардаги кўрсаткичлари бўйича кўп омилли эконометрик моделларини тузиш орқали мазкур хўжалик субъектларининг асосий кўрсаткичлари баҳоланди. Тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган маълумотларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги учун уларнинг барчасини логарифмлаб, ягона ўлчов бирлигига келтирилди. Натижавий омил: боғдорчилик билан шуғулланувчи фермер хўжалиklари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, ц/га ($\ln Y$) ҳисобланади. Таъсир этувчи омиллар эса – органик ўғитлардан фойдаланиш, кг/га ($\ln X_1$), минерал ўғитлардан фойдаланиш, кг/га ($\ln X_2$), сув сарфи, метр куб/1 га ($\ln X_3$), ўртача йиллик ҳарорат, $^{\circ}C$ ($\ln X_4$), йиллик ўртача ёгингарчилик, мм ($\ln X_5$), ҳавонинг намлиги, % ($\ln X_6$), тупроқнинг бонитет балли, % ($\ln X_7$), пестицидлардан фойдаланиш, кг/га ($\ln X_8$), ишчи кучи сарфи, киши/кун ($\ln X_9$) ва ўртача харажатлар, млн. сўм/ га ($\ln X_{10}$).

¹⁷ Расм статистик йиғма маълумотлар асосида Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг 2010-2020 йиллар бўйича маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Маълумотлари асосида умумлаштирилган энг кичик квадратлар усули (Pooled OLS) бўйича ҳисобланган эконометрик модель, ўзгармас таъсир модели (Fixed effects model) параметрлари ҳамда тасодикий таъсир модели (Random effects model) бўйича ҳисобланган панель маълумотлари асосидаги кўп омилли эконометрик моделнинг параметрларини таҳлил қилинди.

Пирсоннинг ҳисобланган мувофиқлик мезони (хи-квадрат) $\chi^2 = 92,6649$ га тенг экан. $\alpha=0,05$ аниқликда ва 95 фоиз ишончликда мазкур мезоннинг жавдал қиймати 18.307 га тенг экан. Демак, хи-квадрат мезоннинг ҳисобланган қиймати жадвал қийматидан катта бўлгани учун ўзгармас таъсир модели қабул қилинди. Чунки, тузилган ўзгармас таъсир модель ва тасодикий таъсир моделларининг сифатини текширишда фойдаланиладиган детерминация коэффиценти ($R^2=0,9346$) қиймати ўзгармас таъсир моделида катта эканлиги аниқланди.

1-жадвал

Еveews дастури асосида ўзгармас таъсир моделининг ҳисобланган параметрлари¹⁸

Cross-section random effects test equation:

Dependent Variable: LOG(Y)

Method: Panel Least Squares

Date: 11/29/21 Time: 01:46

Sample: 2017 2019

Periods included: 3

Cross-sections included: 170

Total panel (balanced) observations: 510


Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
C	3.136858	0.291957	10.74426	0.0000
LOG(X1)	0.025925	0.008743	2.965169	0.0032
LOG(X2)	0.082337	0.031402	2.622004	0.0091
LOG(X3)	-0.042414	0.018550	-2.286429	0.0229
LOG(X4)	0.035477	0.029490	2.203033	0.0298
LOG(X5)	-0.069663	0.019389	-3.592955	0.0004
LOG(X6)	-0.054824	0.027912	-1.964133	0.0504
LOG(X7)	0.041942	0.032707	7.397233	0.0000
LOG(X8)	0.074131	0.013738	5.396197	0.0000
LOG(X9)	0.092880	0.014523	6.395226	0.0000
LOG(X10)	0.073723	0.005049	14.60227	0.0000
Effects Specification				
Cross-section fixed (dummy variables)				
R-squared	0.934627	Mean dependent var	5.088491	
Adjusted R-squared	0.899167	S.D. dependent var	0.175939	
S.E. of regression	0.055868	Akaike info criterion	-2.661089	
Sum squared resid	1.030004	Schwarz criterion	-1.166591	
Loglikelihood	858.5776	Hannan-Quinn criter.	-2.075147	
F-statistic	26.35733	Durbin-Watson stat	2.780976	
Prob (F-statistic)	0.000000			

1-жадвалда ҳисобланган параметрлар асосида ўзгармас таъсир моделининг аналитик кўринишини ифодаланди:

$$\log \hat{Y} = 3,1369 + 0,0259 \log X_1 + 0,0823 \log X_2 - 0,0424 \log X_3 + 0,0355 \log X_4 - 0,0696 \log X_5 - 0,0548 \log X_6 + 0,0419 \log X_7 + 0,0741 \log X_8 + 0,0929 \log X_9 + 0,0737 \log X_{10} \quad (1)$$

¹⁸ Статистик маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Ҳисобланган ўзгармас таъсирли кўп омилли эконометрик модель (1) шуни кўрсатадики, боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида сув сарфи ($\ln X_3$), йиллик ўртача ёғингарчилик ($\ln X_5$) ҳамда хавонинг намлиги ($\ln X_6$) ортиши мева ҳосилдорлигини пасайишига олиб келар экан. Қолган омилларни таъсири ижобий эканлиги кўринади. Бунда фермер хўжаликларида минерал ўғитлардан фойдаланиш ҳажми ($\ln X_2$), хўжаликларида тупроқнинг бонитет балли ($\ln X_7$), пестицидлардан фойдаланиш ($\ln X_8$), ишчи кучи сарфи ($\ln X_9$) ва маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўртача харажатлар ($\ln X_{10}$) ҳосилдорлик ошишига кўпроқ таъсир этиши кўриш мумкин.



6-расм. Самарқанд вилояти Оқдарё туманида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳақиқий (Actual), ҳисобланган (Fitted) қийматлари ва улар ўртасидаги фарқлар (Residual) графиги¹⁹

6-расмдан кўриш мумкинки, (1) кўп омилли эконометрик модель бўйича Самарқанд вилояти Оқдарё туманида боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳисобланган қийматлар графиги унинг ҳақиқий қийматлари графиги билан жуда яқин жойлашган, улар ўртасидаги фарқлар ҳам унчалик катта эмас.

«Оқдарё Муштарий» МЧЖ 2019 йилда етиштирилган маҳсулотлари умумий экин майдонининг 368,1 гектарини ташкил этиб, жумладан сабзавот экинларидан карам, уруғли мевалардан 50 гектар олма ва 1 гектар нок, данаклилардан олхўри 1 гектар, олча 15 гектар, гилос 30 гектар, ўрик 17 гектар ҳамда шафтоли 49 гектарни ташкил этган. Бундан ташқари 185,1 гектар майдонда кўчат етиштирилган.

«Оқдарё Муштарий» МЧЖ боғдорчилик экин майдонлари структураси ва мева маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг истиқболдаги стратегиялари чизикли дастурлаш моделлари ёрдамида прогноз қилинди. Бунда қуйидагича белгилашлар олинди.

¹⁹ Статистик маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби

